

“Андижон дон махсулот” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 1 январдан 2021 йил 31 декабргача БХМС асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларини аудитнинг МАС асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра ижобий фикр билдирилган

Аудитор хулосаси

01 март 2022 йил

Тошкент шаҳри

Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги “IQTIDOR AUDIT INFORM” аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2013 йилнинг 15 июлда “371”- тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Аудиторлик ташкилотига Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 12 апрелда 00814-рақамли Лицензия берилган.

Аудиторлик ташкилотининг ҳисоб рақами № 20 208 000 204 708 021 001 “DAVR-BANK” ХЕАТБ Чилонзор бўлими (МФО- 01046) да фаолият кўрсатади.

Юридик манзили: Тошкент шаҳар Қушбеги кўчаси 18-уйда жойлашган.

Мен, маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «IQTIDOR AUDIT INFORM» аудиторлик ташкилоти директори, аудитор Ф.К.Назиркулов (аудиторлик малака сертификати № 05553 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2018 йил 22 июлда берилган) “Андижон дон махсулот” акциядорлик жамиятининг Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалари тўғрисидаги, Хусусий капитал ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботлардан иборат 2021 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини аниқлаш мақсадида аудиторлик стандартларининг ҳаракатдаги стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект Ижро органининг жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилинган молиявий ҳисоботларни тайёрланиши, дастлабки ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизимининг таъминланганлиги учун жавобгардир.

Директор, Аудитор  Ф.К. Назиркулов